


## ХИТОЙДА ФАОЛИЯТ ЮРИТГАН МАРКАЗИЙ ОСИЁЛИК БУДДА РОҶИБЛАРИ ҲАҚИДА АЙРИМ МАЪЛУМОТЛАР

 10.24412/2181-1784-2021-1-488-493

Азимов Хуршид

ЎзР ФА Беруний номидаги Шарқшунослик  
Институти докторанти

*Аннотация:* В древности китайцы знали о буддизме в последней четверти II до.н.э - начала I н.э вв. К середине первого века буддизм начинает распространяться не в верхних, а в нижних слоях общества, то есть среди простых людей. Кроме того, центральноазиатские монахи, в том числе кушаны и кангки, вместе с монахами из Парфии и Индии, принимали активное участие в распространении буддизма в древнекитайском обществе. Даже центральноазиатские монахи передали сведения о религии Китаю чем раньше монахи из Парфии.

*Ключевые слова:* Буддизм, Китай, Центральноазиати, Ань Шигао, монах.

*Annotation:* In ancient times, the Chinese knew about the information of Buddhism in the last quarter of the second BC - the beginning of the first centuries AD. This religion is not spread in the upper strata of society, but in the lower strata, among ordinary people. Belief began in the middle of the first century. In addition, central asian monks, including the Kushans and Kangkis, along with monks from Parthia and India, were actively involved in the spread of Buddhism in ancient chinese society. Even central asian monks passed on information about religion to China before the prathian monks.

*Key words:* Buddhism, China, Central asian, An Shigao, monk.

Қадимда Марказий Осиё ва Хитой ўртасидаги маданий алоқалар сиёсий ва иқтисодий жараёнлар билан бевосита боғлиқ бўлган. Хитойликлар ва марказий осиеликлар ўртасидаги маданий муносабатларнинг жадал ривожланиши эса мавжуд савдо йўлларига, уларнинг хавсизлигига ҳамда бу масалани ҳал қила оладиган давлатнинг тарихий саҳнага кириб келишига бевосита боғлиқдир. Мана шундай давлат милодий 26-36 йилларда ташкил топган Кушон

хонлигидир<sup>1</sup>. Кушон (I-IV) давлати тарих саҳнасига чиққандан сўнг, кўплаб маҳаллий будда роҳиблари, савдогарлар ва элчилар сифатида Хитойга борган ва будда сутраларини хитой тилига таржима қилишган. Унга қадар будда дини Марказий Осиёда кенг ёйилган эди.

Хитойлик олимларининг тадқиқотларида Кушон давлатидан бўлган Локаксема (Чжи Чен) будда сутраларни 39 қисмини хитой тилига ўгириб махаяна<sup>2</sup> буддизимини Хитойга ёйган. Парфилик Ан Шичанг (安世昌) хинаяна<sup>3</sup> буддизми Хитойга тарқатишган деган икки шахснинг фаолиятига юксак баҳо беришади<sup>4</sup>. Агар давр жиҳатдан Хитойда буддизм билан боғлиқ жараёнларга эътибор берсак, милоддан аввалги I асрлардан милодий II асрга қадар хитойликлар дин ҳақида маълумотларга эга бўлган. II асрдан бошлаб то IV-V асрга қадар хорижлик будда роҳиблари қадимги Хитой жамиятида буддизмнинг тарқалиши учун кенг миқёсида ишлар олиб борган. I-II асрларда Кушон империяси (милодий I-IV) сиёсий хариталарига назар солсак, айниқса Канишка даврида (78-102 йй.) Шарқий Туркистоннинг шарқий шаҳарлари Турфон, Дунхун худудларига қадар диний маданий таъсирига эга бўлган<sup>5</sup>. Ҳатто 295-299 йилларда таваллуд топган, умрининг охирига қадар Хўтан шаҳрида яшаган хитойлик роҳиб Чжу Сишинг маълумот беришича, ўша даврда Такламакон чўлининг атрофидаги шаҳарларда буддизм маданияти юксак ривожланган бўлган<sup>6</sup>. Албатта бу ҳодисалар Кўшон империясининг Буюк Ипак йўлидаги сиёсий маданий жараёнлардаги устунлиги билан боғлиқ бўлган. Айрим хитойлик олимлар Кушон давлати энг гуллаб яшнаган ва қудратли ҳукмдори Канишка даврида мамлакатнинг шарқий чегараси Помир тоғига қадар борган, деган нотуғри хулоса беради<sup>7</sup>.

<sup>1</sup> Ходжаев А. Из истории древних тюрков (сведения древнекитайских источников). – Алматы, 2011. – С. 201.

<sup>2</sup> Махаяна – (санскритча — катта арава (катта доира), нажот топишнинг кенг йўли) буддизмнинг 2 асосий оқим (хинаяна билан бирга)дан бири. Милоднинг бошларида кенг тарқалган. Махаяна руҳий камолот аҳсига риоя этувчи, худога илтижо қилувчи, роҳибларга инъомлар бериб ёрдам қилувчи ҳар қандай диндор нажот топиши мумкин, деб ҳисоблайди.

<sup>3</sup> Хинаяна – (санскритча кичик арава (кичик доира) ёки нажот топишнинг тор йўли) — буддизмнинг (махаяна билан бирга) икки асосий оқимидан бири, унинг монахлик шакли. Хинаянада сансара исканжасидан халос бўлишга интилувчининг ўзи қиладиган ҳаракати асосий аҳамиятга эга. Хинаянанинг асосий қоидалари мил. авв. I асрлардан илгарироқ ёзилган матнларда, шу жумладан, трипитакада баён қилинган.

<sup>4</sup> Фанг Хао. Чжунгши жяотунгши шангшя (方豪. 中西交通史上Хитой ва Ғарб алоқалари тарихи 1 жилд). – Шанхай, 2008. – Б.91.

<sup>5</sup> [https://uz.wikipedia.org/wiki/Kushon\\_podsholigi](https://uz.wikipedia.org/wiki/Kushon_podsholigi)

<sup>6</sup> Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. – Тошкент, 2007. – Б. 159.

<sup>7</sup> Су Бай. Каогу фашян юй чжунгши венхуажяолю (宿白. 考古发现与中西文化交流 -Археологик топилмалар ва Хитой ғарб маданий алоқалари). – Пекин, 2012. – Б. 39.

Қадимда хитойликлар будда дини ҳақидаги маълумотлардан хабар топгандан сўнг, ўзидан ғарбдаги давлатлар билан маданий алоқалар жараёни янада кучаяди. Гарчи бу даврда Хитойда шарқий Хан (25-220) давлатининг беқарорлашув даври бошланган бўлсада, ғарб билан муносабатларига таъсир қилмаган. Ани шу даврларда Кўшон империяси, Кангкия<sup>8</sup> (академик К.Шониёзов асарида Қанғ, хитойча Кангжюй, А.Ходжаев асарида Кангкия) давлати, Ҳиндистон ва Парфия давлатидан бўлган кўплаб роҳиблар жамоаси Хитойга будда қонунларини тарғиб қилиш учун келади. Айниқса, марказий осийлик маҳаллий роҳиблар сони Хитой шаҳарларида кўпая бошлайди. Милодий II-IV асрларга келиб кушонлик ва кангкиялик будда роҳиблар, элчилар Хитойда буддизмни ёйишга жуда катта жонбозлик кўрсатишган.

Бу даврга қадар будда динининг Марказий Осиёдаги асосий марказлари Термиз, Балх, Куча, Хўтан ва Дунхуанг шаҳарлари ҳисобланган. Хитойликлар Хитойга борган чет эллик роҳиблар билан мулоқат жараёнида уларнинг маҳаллий исми талаффузда биров қийинчилик туғдиргани боис, уларнинг исмига кўпроқ ўз давлатининг хитойча номланишидаги бош иероглифини қўшиб фамилия исм сифатида қўллашган. Шу боисдан хитой манбаларида учраган аксарият марказий осийлик роҳиб ва савдогарларнинг хитойча исmlарини асл маҳаллий исми дейиш ҳато ҳисобланади. Бундай анъана ўша даврда хитойча ёзма манбаларда сақланиб қолган бўлиб, роҳибларнинг Марказий Осиёнинг қайси давлатидан келганлигини билиб олиш мумкин. Жумладан, хитой тилидаги манбаларда қадимги хитойликлар Кангкия (Қанғ) давлатидан борган роҳиблар исмининг бош иероглифини *канг* (康) билан ёзишган. Кушон давлатидан борганларга *чжи* (支 қад.ўқ.Цие), Парфия давлатидан борганларига эса *ан* (安) иероглифларини қўшишган. Ҳиндистондан борганларга *чжу* (竺) иероглифи билан ёзишган. Бироқ чжу фамилиясини олганларнинг келиб чиқиши ҳар доим ҳам Ҳиндистондан бўлавермаган.

Кўшон давлатидан бўлган Локаксема<sup>9</sup> (хит.ўқ. Чжи Луожячен / 支婁迦讖), Чжи Яо, Чжи Лянг ва Чжи Чян Хитой будда тарихида парфиялик роҳиб Ан

<sup>8</sup> Қанғ давлати мил.авв. III асрнинг бошларида Марказий Осиёда вужудга келиб, милонинг V аср ўрталаригача мавжуд бўлган.

<sup>9</sup> Голландиялик хитойшунос олим Эрик Зурчер тадқиқотларида мазкур роҳибнинг хитойча исми Чжи Луожячен эмас, балки Чжи Луожячан / Zhi Loujiaqian деб келтирилган. Унинг исмидаги охирги иероглиф 讖/讖 дея чян / qian сифатида қайд этилган (Қаранг: Zürcher, E. (Erik). The Buddhist conquest of China : the spread and adaptation of Buddhism in early medieval China / by E. Zürcher ; with a foreword by Stephen F. Teiser-3d ed. – Leiden, 2007. – Pp. 15.). Бироқ хитойча илмий луғатларда мазкур иероглиф чен сифатида ўқилиши келтирилади (Қаранг: Циҳай «辞海-Сўзлар денгизи». – Шанхай, 1979. – Б.402)

Шигао билан бир вақтда будда дининг хитойчага таржима қилган дастлабки роҳиблар ҳисобланади, уларнинг таржималари ҳақида замонавий хитой тадқиқотчилари бир қанча ишларни ҳам олиб борган. Шу билан бир қаторда Кангкия (Қанг) давлатидан Канг Жюй ва Канг Мэншян(康孟詳) савдогарлар билан Лоянгга бориб будда текстларини (махаяна ва хинаяна)ни хитой тилига таржима қилишган<sup>10</sup>.

Айниқса III асрнинг иккинчи ярмидан сўнг Хитойда сиёсий жараёнлар кучайиб, шарқий Хан давлати парчаланиб кетади. Унинг ўрнида уч подшолик Вей (220-265), Шу (221-263) ва Ву (229-280) давлатлари пайдо бўлади. Шу даврда Лоянг шимолий пойтахт сифатида асосий ягона шаҳарга айланди. Айни шу жараёнларда будда дини (хинаяна) ёйилиш таъсири кучайди. Бунда Кангкия давлатидан бўлган Канг Сенгхуэйнинг хизмати бекиёсдир. Ву давлатининг биринчи императори Да-ди (Буюк император, асл исми Сун Чюан 孫權 – 222-252) даврида мамлакатда икки йирик будда вакили кушонлик Чжи Чян ва кангкиялик Канг Сенгхуэй жамиятнинг ижтимоий ҳаётига катта таъсир қилади. Дастлаб 221-229 йиллар Да-ди даврида пойтахт Вучангда (кейин пойтахт Жяньегга кўчиради) 3 та будда таржимони бўлган. Шулардан Чжи Чян ва Канг Сенгхуэй икки шахснинг меҳнати натижасида дин давлат даражасига чиқади ва Ву давлатининг расмий дини деб эълон қилинади. Айниқса, Канг Сенгхуэй жамиятдаги маҳаллий Конфуций таълимотини ҳам чуқур ўрганади. Ҳатто у ҳукуматда конфуцийлик таълимотидаги ҳукумат тамойилларини тушунтириб бера оладиган шахс бўлган. Сенгхуэй ёшлигида отаси билан хоз. жанубий Хитойга савдо ишлари билан келиб қолади. Бу даврда хоз. Ветнамнинг шимолий қисмидаги савдо шаҳарлари чет эллик савдогарлар билан гавжум бўлган. Бу ерда нафақат марказий осие лик савдогарлар балки узоқ Рим империясидан келган савдогарлар ҳам савдо ишлари билан келган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, I-VI асрларда ёзилган қадимги хитой манбаларида будда динининг Хитойга кириб боришида парфиялик ва ҳиндистонлик роҳиблардан ташқари, марказий осиелик жумладан Кўшон ва Кангкия давлатидан бўлган бир қанча роҳиблар тилга олинади. Ўша даврда ёзилган манбага мувофиқ ҳатто улар ҳиндистонлик роҳиблардан олдин Хитойга бориб ўз фаолиятларини олиб борганлар. Қолаверса, замонавий хитойлик тарихчилар томонидан уларнинг Хитойдаги ишлари ҳақида юксак баҳо беришади.

<sup>10</sup> Васильев Л. С. Кушаны и проникновение буддизма в Китай // Центральная Азия в Кушанскую эпоху, том II. – Москва, 1975. – С. 213.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Ходжаев А. Из истории древних тюрков (сведения древнекитайских источников). – Алматы, 2011.
2. Фанг Хао. Чжунгши жяотунгши шангшя (方豪. 中西交通史上 Хитой ва Ғарб алоқалари тарихи 1 жилд). – Шангхай, 2008.
3. Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. – Тошкент, 2007.
4. Су Бай. Каогу фашян юй чжунгши венхуажяолю (宿白. 考古发现与中西文化交流 -Археологик топилмалар ва Хитой ғарб мадания алоқалари). – Пекин, 2012
5. [https://uz.wikipedia.org/wiki/Kushon\\_podsholigi](https://uz.wikipedia.org/wiki/Kushon_podsholigi)
6. Цихай «辞海-Сўзлар денгизи». – Шангхай, 1979.
7. Zürcher, E. (Erik). The Buddhist conquest of China : the spread and adaptation of Buddhism in early medieval China / by E. Zürcher ; with a foreword by Stephen F. Teiser-3d ed. – Leiden, 2007.
8. Васильев Л. С. Кушаны и проникновение буддизма в Китай // Центральная Азия в Кушанскую эпоху, том II. – Москва, 1975.
9. Mirzaxmedova, H. (2020). TERMS MADE FROM THE ORIGINAL IRANIAN VOCABULARY IN PERSIAN. *Philology Matters*, 2020(1), 137-145.
10. Омонов, К. Ш. (2019). Stereotype phrases and their place in providing formality to the text. *Молодой ученый*, (28), 259-261
11. Nasirova, S. A. (2020). CONCEPTS OF 中国 梦想" CHINESE DREAM" AND 类 命运 共同" COMMUNITY OF THE ONE FATE OF HUMANITY"—A LINGUISTIC AREA. *Journal of Central Asian Social Studies*, 1(01), 05-14.
12. Хашимова, С. (2019). On some features of teaching foreign language for students of non-philological areas at the initial stage. *Евразийское Научное Объединение*, (1-6), 334-338.
13. Халмурзаева, Н. Т. (2020). ТИПОЛОГИЯ ЯПОНСКОГО КОММУНИКАТИВНО-ДЕЛОВОГО ЭТИКЕТА. *Вестник науки и образования*, (14-2 (92)).
14. Рихсиева, Г. Ш. (2014). ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РЕЙТИНГИ–СИФАТ ВА ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ. *Oliy ta'lim taraqqiyoti istiqbollari= Perspectives of higher education development= Перспективы развития высшего*

образования: То ‘*plam № 2/ma’sul muharrir MA Rahmatullayev.–Издательство: Vita Color T.: 2014.–161 b., 29.*

15. Mirzakhmedova, H. V., Omonov, K. S., & Khalmurzaeva, N. T. (2021). METHODS OF IMPROVING LANGUAGE SKILLS USING MEDIA SOFTWARE. *Journal of Central Asian Social Studies*, 2(03), 47-55.

16. Hashimova, S. A., & Nasirova, S. A. (2021). FEATURES OF FORMING OF ANIMATED NOUNS WITH THE AFFIXES IN MODERN CHINESE LANGUAGE. *Journal of Central Asian Social Studies*, 2(04), 1-10

17. Mirzakhmedova, K. V. (2021). Comparative Analysis of General Words-Terms In Persian and Uzbek Languages. *Psychology and Education Journal*, 58(1), 1050-1056.

18. Omonov, Q. S. (2019). THE WAYS OF OFFICIALISATION OF THE DOCUMENTS AND THE PROBLEM OF LEGITIMIZATION OF THE TEXT. *Научные вестн*, (7), 43-51.

19. Abdullaevna, N. S. (2020). Lexical-semantic and cognitive specifics of political discourse (based on si jinning's speeches). *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(5), 1086-1092.

20. Abdullayevna, H. S. (2020). Peculiarities of the formation of animated non-significant using suffixing in the modern chinese language. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(5), 1504-1511.

21. Khalmurzaeva, N. T. (2020). Peculiarities of intercultural understanding in Uzbek and japanese verbal communication. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(11), 1473-1481.

22. Abbasi, S., & Mirzakhmedova, K. (2021). THE CULTURAL COMMONALITIES OF IRAN AND UZBEKISTAN (From the perspective of the Persian language and literature history). *Journal of Central Asian Social Studies*, 2(01), 1-8.

23. Nasirova, S. A., Hashimova, S. A., & Rikhsieva, G. S. (2021). THE INFLUENCE OF THE POLITICAL SYSTEM OF CHINA ON THE FORMATION OF SOCIAL AND POLITICAL TERMINOLOGY. *Journal of Central Asian Social Studies*, 2(04), 10-17.